

57(043.3)

МС-87

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ



Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 373.6/9:338:91

ЖУМАНОВА Фогима Ураловна

**КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИДА ЭКОЛОГИК
МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
(география таълими мисолида)**

13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент-2010

57 (043.3)
мс-87

Иш Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилган

Илмий раҳбар: педагогика фанлари доктори, профессор
Ибрагимов Холбой Ибрагимович

Расмий оппонентлар: педагогика фанлари доктори, профессор
Ҳасанбоев Жалолиддин

педагогика фанлари номзоди, доцент
Авазов Шериммат

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети

Ҳимоя 2010 йил «12» НОЯБР соат 16 да Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги К.067.18.03 рақамли ихтисослашган кенгаш йиғилишида ўтказилди. Манзил: 100070, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй. Тел: (99871) 254-92-02. факс: (99871) 215-54-18, e-mail: tgpu_info@edu.uz

Диссертация билан Низомий номидаги ТДПУ ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (100003, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй).

Автореферат 2010 йил «11» ОКТАБР да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, педагогика фанлари
номзоди, доцент



Р.Г.Исянов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. XX асрнинг охири XXI аср бошларида саноат, техника, фан ва технологияларнинг жадал суръатлар билан ривожланиши, ижтимоий субъектлар томонидан табиий бойликлардан оқилона фойдаланмаслик, тугаб бораётган табиий захиралар ўрнини тўлдиришга нисбатан эътиборсизлик оқибатида атроф-муҳитнинг (сув, ҳаво, тупроқ) ифлосланиши, қўплаб ўсимлик ва ҳайвон турларининг кескин камайиши ёки йўқ бўлиб кетиши, иқлим ўзгаришлари ҳамда чўлланиш ҳодисаларининг содир бўлиши экологик ҳавфсизлик масаласини миллий, минтакавий ва умумбашарий муаммолардан бири сифатида кун тартибига олиб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ер сайёрасида вужудга келган экологик ҳавфнинг инсоният учун салбий таъсирини баҳолаб экан, қуйидагиларни алоҳида қайд этади: «XXI аср бўсағасида, фан-техника тараққиёти жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Дунёнинг жуғрофий-сиёсий тузилиши ўзгармоқда. Бундай шароитда инсон томонидан биосферага кўрсатилаётган таъсирни тартибга солиш, ижтимоий тараққиёт билан қулай табиий муҳитни сақлаб қолишнинг ўзаро таъсирини уйғунлаштириш, инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларида мувозанатга эришиш муаммолари борган сари долзарб бўлиб қолмоқда»¹.

Табиат, атроф-муҳитда рўй бераётган ҳавfli экологик ўзгаришлар табиий қонуниятларга мувофиқ рўй берса-да, бироқ қўп жиҳатдан инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган антропоген омиллар таъсирининг натижаси сифатида намоён бўлмоқда. Экологик муаммоларнинг юзага келишига сабаб – инсонларнинг тобора ошиб бораётган эҳтиёжлари, уларнинг табиат ва атроф-муҳитга нисбатан истеъмомли сифатида муносабатда бўлишлари, етарли даражада илмий ва амалий экологик билимларга эга эмасликлари ҳамда умумий экологик маданиятининг пастлиги билан изоҳланади.

Экологик муаммолар кескинлашган шароитда инсон ҳамда табиат ўртасидаги муносабатнинг янгича мазмун касб этишига эришиш, ўқувчиларда атроф-муҳитга нисбатан экологик масъулликни қарор топтириш ва экологик маданиятни шакллантириш ўта долзарб педагогик муаммо ҳисобланади. Мазкур муаммони бартараф этиш Ер сайёрасидаги ҳаётнинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу сабабли, инсоният олдига умумбашарий аҳамиятга молик бўлган экологик ҳавфни бартараф этиш вазифаси қўйилмоқда. Мазкур муаммонинг ижобий ҳал этилиши, энг аввало, ҳар бир фуқарода табиатга, атроф-муҳитга нисбатан онгли, масъулиятли муносабат ва экологик маданиятнинг шаклланганлик даражасига боғлиқ.

Бироқ ёшларда, жумладан, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида илмий-ижтимоий экологик билимларни шакллантириш, уларда табиат ва атроф-муҳитга нисбатан ижобий, масъулиятли муносабатни қарор топтириш

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 114-бет.

ва экологик маданиятни шакллантириш жараёнлари умумпедагогик жиҳатдан етарли даражада ўрганилмаган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда экологик таълим ва тарбия муаммоларини тадқиқ этишга қаратилган кўплаб илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди. Хусусан, экологик таълимнинг назарий асослари, тамойиллари, шакллари, методлари ва воситалари бирмунча чуқур ўрганилган. Жумладан, экологик таълимнинг назарий асослари рус олими, академик И.Д.Зверев, табиий фанларни ўқитишда ўқувчиларга экологик таълим-тарбия бериш, Марказий Осиёда экологик таълим тараққиётига оид муаммолар проф. Э.О.Турдикулов, экологик таълимнинг педагогик асослари проф. А.Н.Захлебний, биологияни ўқитишда ўқувчиларга экологик таълим-тарбия бериш муаммолари проф. И.Т.Суравегина каби педагог-олимлар томонидан тадқиқ қилинган.

Шунингдек, Л.Худойбердиев, М.Мирбобоев ва С.Салоҳиддинов (физика таълими), А.Т.Ҳайитов (география таълими), Ш.Авазов (экологик ўлкашунослик), В.Н.Сатторов (мехнат таълими), И.Исमतов ва Б.Қултўраев (кимё таълими), М.Ғ.Нишонбоева (биология таълими), Н.Ў.Нишонава (адабий таълим), И.Т.Мислибоев ва Н.М.Эгамбердиева (касб-хунар таълими), А.Мелибоев (педагогик таълим) ишларида хусусий фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчиларга экологик таълим-тарбия бериш мазмуни ёритилган.

Х.А.Раҳматова (синфдан ташқари ишлар жараёнида экологик-гигиеник тарбия), Ш.Мирзахметова (бошланғич синф ўқувчиларида табиатга кизиқишни шакллантириш), Н.Ш.Бозорова (талабаларда экологик маданиятни шакллантириш), М.М.Аликулова (табиатшунослик дарсларида Ўрта Осиё алломаларининг экологияга оид қарашларидан фойдаланиш) экологик таълим-тарбияни ташкил этишнинг турли жиҳатларини тадқиқ этганлар.

Аммо, касб-хунар коллежларининг ўзига хос жиҳатлари, шунингдек амалий география таълими имкониятларини инобатга олган ҳолда ўқувчиларда экологик маданиятни шакллантириш муаммоси илмий-педагогик жиҳатдан тўлиқ ўрганилмаган. Бу ҳолат касб-хунар коллежлари ўқувчиларида экологик маданиятни шакллантириш жараёнини педагогик нуқтаи назардан асосланган ҳолда тизимли-мажмуавий ўрганиш заруриятини юзага келтирган. Ана шу заруриятни инобатга олган ҳолда тадқиқот учун «Касб-хунар коллежлари ўқувчиларида экологик маданиятни шакллантириш (география таълими мисолида)» мавзуси танланди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни жорий этиш жараёнида узлуксиз таълим-тарбия тизимини ривожлантириш муаммоларини илмий тадқиқ этиш» Давлат илмий-техник дастури ҳамда Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида Республика Фан ва технология марказининг «Ўзбекистонда таълимнинг глобаллашуви шароитида ёшлар мустақил,

ижодий фикрлашини фаоллаштиришнинг методологик асослари» номли 7-ФМ-162-рақамли дастури доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади: касб-хунар коллежлари ўқувчиларида амалий география таълими жараёнида экологик маданиятни шакллантириш тизимини назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш ва уни тажриба - синовидан ўтказиш асосида ўқитувчилар учун илмий-педагогик тавсиялар тайёрлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- мавзуга оид илмий-педагогик маъналарни ўрганиш ва уларда илгари сурилган назарий ғояларни таҳлил қилиш асосида ҳамда амалий география таълими жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчиларида экологик маданиятни шакллантириш долзарб умумпедагогик муаммо эканлигини илмий-амалий жиҳатдан асослаш;

- касб-хунар коллежлари ўқувчиларида амалий география таълими жараёнида экологик маданиятни шакллантиришнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш;

- амалий география таълими жараёнида ўқувчиларда экологик маданиятни шакллантириш тизимининг назарий моделини ишлаб чиқиш ва уни тажриба синовидан ўтказиш;

- касб-хунар коллежлари ўқувчиларида амалий география таълими жараёнида экологик маданиятни шакллантиришнинг самарали шакллари, методлари ва воситаларини белгилаш;

- касб-хунар коллежлари ўқувчиларида экологик маданиятнинг шаклланиши даражасини аниқловчи мезонларни ишлаб чиқиш;

- амалий география таълими жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг экологик маданиятини самарали шакллантиришга доир илмий-методик тавсиялар тайёрлаш.

Тадқиқот объекти: касб-хунар коллежларидаги амалий география таълими жараёни.

Тадқиқот предмети: касб-хунар коллежларидаги амалий география таълими жараёнида экологик маданиятни шакллантириш тизими ва технологиялари.

Тадқиқот методлари: тадқиқот мавзуси бўйича фалсафий, психологик-педагогик ва география таълими методикасига оид адабиётларни ўрганиш ва назарий таҳлил қилиш; амалий география дарслари ва дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчиларда экологик маданиятнинг шаклланиш жараёнини кузатиш ва таҳлил қилиш; ўқувчиларнинг ижодий ишларини, ўқитувчиларнинг илгор иш тажрибасини ўрганиш; амалий география курси бўйича ўқувчиларда экологик маданиятни шакллантириш мазмуни, тузилиши ва ҳажмини таҳлил қилиш; педагогик тажриба синов ишларини ўтказиш; ўқувчилар ва ўқитувчилар билан тестлар, интервью, суҳбат, сўровлар ўтказиш ва касб-хунар коллежлари ҳужжатларини ўрганиш; режалаштирилган педагогик вазиятларни яратиш; қиёсий таҳлил; тадқиқот

натижаларига математик-статистик ишлов бериш ва умумлаштириш.

Тадқиқотнинг илмий фарази. Амалий география таълими жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг экологик маданиятини шакллантиришда юқори самарадорликка эришиш мумкин, агарда:

-экологик маданият миллий ва умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми сифатида қараб чиқилиб, тан олинса;

-экологик маданиятни шакллантириш тушунчасига амалий география таълими нуқтаи назаридан аниқликлар киритилса;

-амалий география таълими жараёнида экологик маданиятни шакллантириш тизимининг назарий модели ва уни амалга оширишнинг самарали педагогик технологиялари ишлаб чиқилса;

-касб-хунар коллежлари ўқувчиларида экологик маданиятни шакллантириш мезонлари ва уларнинг асосий кўрсаткичлари аниқланса;

-тадқиқот натижаларига таянилган ҳолда ўқувчиларда экологик маданиятни шакллантириш методикаси бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилса.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

1. Касб-хунар коллежлари ўқувчиларида амалий география таълими жараёнида экологик маданиятни шакллантириш долзарб умумпедагогик муаммолардан бири эканлиги.

2. Амалий география таълими жараёнида экологик маданиятни шакллантириш тизимининг назарий модели ва уни амалга оширишнинг самарали педагогик технологиялари.

3. Касб-хунар коллежлари ўқувчиларида экологик маданиятни шакллантириш мезонлари ва уларнинг асосий кўрсаткичлари.

4. Амалий география таълими жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчиларида экологик маданиятни самарали шакллантиришга имкон берувчи илмий-амалий тавсиялар.

Илмий янгилиги:

1. Касб-хунар коллежлари ўқувчиларида амалий география таълими жараёнида экологик маданиятни шакллантириш муаммоси умумпедагогик жиҳатдан махсус тадқиқ этилди.

2. Касб-хунар коллежларидаги амалий география таълими жараёнида экологик маданиятни шакллантириш тизимининг назарий модели ва уни амалга оширишнинг самарали педагогик технологиялари яратилди.

3. Касб-хунар коллежлари ўқувчиларида экологик маданиятни шакллантириш мезонлари ва уларнинг асосий кўрсаткичлари ишлаб чиқилди.

4. Амалий география таълими жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг экологик маданиятини шакллантириш самарадорлигини таъминловчи илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг методологик асоси: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Ўзбекистон Республикаси

Президентнинг Фармонлари ва экологик ҳафсизликка оид асарлари; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, табиат бойликларига нисбатан тежамкорлик, масъулиятлилиқ ва улардан оқилона фойдаланиш ҳақидаги қонунлари ва қарорлари; биосфера ва ноосфера ҳақидаги таълимотлар; Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг табиат ва жамиятнинг ўзаро алоқадорлиги, инсон ва табиат бирлиги, инсоннинг табиатга таъсири ва ундан фойдаланиши ва экологик таълим-тарбияга оид қарашлари; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг экологик таълим-тарбияга оид ўқув-меъёрий ҳужжатлари; ўзбек халқ педагогикаси; экологик маърифат назарияси.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.Тадқиқотда илгари сурилган етакчи илмий-назарий ғоялар педагогика фанлари мазмунини бойитади, касб-хунар коллежлари ўқувчиларида экологик маданиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган ва асосланган илмий-амалий тавсиялардан касб-хунар коллежлари амалиётида экологик мазмундаги маънавий-маърифий ишларни йўлга қўйишда, ўқувчилар фаоллигини оширишга қаратилган амалий тренингларда, амалий география таълими жараёнида ўқувчилар экологик маданиятини самарали шакллантиришда, шунингдек, тадқиқотнинг айрим натижаларидан геоекологик мазмундаги илмий рисолалар, электрон воситалар яратишда ва бошқа ўқув-методик қўлланмаларнинг методик апаратини такомиллаштиришда кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижалари касб-хунар коллежлари ўқитувчиларини ўқувчиларда экологик маданиятни шакллантиришнинг илмий-педагогик асосланган усуллари мажмуи билан қуроллантиради. Шунингдек, диссертациядаги айрим материаллардан касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасалари ва педагог ходимлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш муассасаларидаги назарий ва амалий машғулотлар жараёнида ҳам фойдаланиш мумкин.

Натижаларининг жорий қилиниши.Тадқиқот натижалари ва унда илгари сурилган назарий ғоялар Самарқанд тиббиёт, Жиззах педагогика, Тошкент вилоят Қибрай туманидаги кишлоқ хўжалиқ, Бекobod туманидаги техника-иктисодиёт, ўрта Чирчик туманидаги кишлоқ хўжалиқ ҳамда Чирчик шаҳридаги техника касб-хунар коллежларида амалий география таълими жараёнида ўқувчиларнинг экологик маданиятини шакллантиришга оид тажриба-синов ишлари орқали амалиётга татбиқ қилинган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижалари юқорида таъкидланган таълим муассасаларининг тарбиявий ишлар режаларида экология ва атроф-муҳит муҳофазасига оид дарсдан ташқари тадбирларни ташкил этишда, шунингдек касб-хунар

коллежлари ўқувчиларининг битирув малакавий ишларида қўлланилиб келинмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси). Диссертация Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг «Аниқ, табиий фанларни ўқитиш назарияси ва методикаси» бўлимининг кенгайтирилган йиғилишида, Термиз давлат университетининг «Педагогика ва психология» кафедрасида, Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти қошидаги Ихтисослашган кенгашнинг илмий-методологик семинарида ҳамда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети қошидаги илмий семинарда муҳокама қилинган ва ҳимоя учун тавсия этилган

Шунингдек, тадқиқот мазмунида ўз аксини топган назарий ғоялар ва амалий натижалар 2002-2009 йиллар мобайнида Ўзбекистон Миллий университети ва Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида ташкил этилган илмий-назарий ва амалий анжуманларда, А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида, шунингдек, Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси томонидан ташкил этилган педагогик ўқишларда иштирок этиш ва маърузалар ўқиш асосида педагогик жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот ишининг асосий мазмуни, муҳим натижалари муаллиф томонидан «Халқ таълими» ва «Uzluksiz ta'lim» каби илмий-методик журналлар, шунингдек, илмий-амалий анжуманлар материалларини ўз ичига олган тўпламларда чоп этирилган 6 номдаги илмий мақолада ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, умумий ҳулоса ва тавсиялар, 157 номдаги фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда 2 та иловадан иборат бўлиб, асосий мазмуни 132 бетни, умумий ҳажми эса 151 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, объекти, предмети, илмий фарази, вазифалари, методлари ва методологик асослари, илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши ҳамда ишнинг синовдан ўтиши, натижаларнинг эълон қилинганлиги баён қилинди.

Диссертациянинг биринчи боби «**Амалий география таълими жараёнида касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида экологик маданиятни шакллантиришнинг назарий масалалари**» деб номланади. Мазкур бобда

касб-хунар коллежи ўқувчиларида экологик маданиятни шакллантириш муҳим илмий-педагогик муаммо эканлиги, шахсда экологик маданиятни шакллантиришнинг тарихий-педагогик тахлили, ривожланиш тенденциялари ҳамда амалиётдаги мавжуд ҳолати нуктаи назаридан асослаб берилган.

Маълумки, табиат ва инсон ўртасидаги муносабат масаласи жуда қадимдан инсониятни қизиқтириб келган. Хусусан, зардуштийлик дини ғоялари инсонлар онгида улар яшаётган муҳитнинг тоза, озода бўлишига эришиш турли юқумли касалликларга чалинишларнинг олдини олади, деган моҳиятга кўра жуда содда, бироқ ўша давр нуктаи назаридан илгор тушунчанинг ҳосил бўлишига хизмат қилган. Ушбу ёндашувга кўра, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш ҳамда санитария ва гигиенага амал қилишнинг муайян қоидалари ишлаб чиқилган.

Зардуштийлик таълимотининг табиатга маъсулиятли муносабат ва атроф-муҳит муҳофазасига оид етакчи ғоялари тарихий тараққиётнинг кейинги даврларида ислом таълимоти орқали янада бойитилган. Жумладан, «Қуръони қарим», «Ҳадиси шариф», шунингдек, Шарк мутафаккирлари (Муҳаммад ал-Хоразмий-«Ер тасвири китоби»; Абу Райҳон Беруний-«Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Ер сурати») асарларида дунё, китъалар, океанлар, қутблар, экватор, саҳролар, кўллар, ўрмонлар, мамлакатлар, ўлкалар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиат заҳиралари, аҳоли ва унинг тарқалиш хусусиятлари, урф-одати, касб-ҳунари, аҳоли зичлиги ҳақидаги умумий географик билимлар берилиши билан бирга инсон ва табиат муносабати, уни ўрнатишда мутаносибликка эришиш тўғрисида сўз юритилади. Шунингдек, мазкур манбаларда географик муҳит ўзгаришининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ўзгаришига сабаб бўлиши, Ер сайёрасида тирик организмларнинг вужудга келиши жуда мураккаб тарихий-тадрижий жараён эканлиги эътироф этилади.

Алишер Навоий, Амир Темур, Маҳмуд аз-Замаҳшарий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобурлар асарларида ҳам табиат ва инсон муносабатлари оддий, халқона тилда турли ишонарли мисоллар келтирилиб ёритилган ва улар халқ педагогикаси воситасида кишилар онгига сингдирилиб келинган.

Бугунги кунда **географик экология** (кейинги ўринларда-**геоэкология**) фани географик муҳит ва унинг табиий ҳолатини сақлаб қолиш, табиий бўйликлардан оқилона фойдаланиш ва уларни кўпайтириш, муайян даврдаги геоэкологик ҳолатларни прогнозлаш, янги ҳудудларни ўзлаштириш, йирик гидрологик қурилишлар, шунингдек, қонот ва дунё океанларини тадқиқ этишга қаратилган ҳаракатлар (ракеталарни учираш, океанларни ўрганиш мақсадида экспедицияларни уюштириш, ҳаво ва сув транспортларидан фойдаланиш, табиатда рўй бераётган хавфли экологик ҳалокатлар) оқибатларига оид масалаларни ўрганишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Геоэкология нуктаи назаридан касб-хунар коллежларининг экологик фаолиятини яхлит ўрганиш, амалга оширилаётган экологик таълим жараёни ва бу борадаги маънавий-маърифий тарбиявий ишлар мазмуни, йўналишлари

билан танишиш ҳамда уларни таҳлил этиш асосида ўқувчилар шахсида экологик маданиятни шакллантиришда қуйидагилар муҳим ўрин тутуши аниқланди:

- ўқувчиларнинг геозкологик билимларга қизиқишини аниқлаш (геозкологик омилларнинг долзарблигини фахмлаши, янги геозкологик йўналишдаги далилларни таҳлил қилиб, энг муҳимларини ажратиб олиши);

- ўқувчиларда шаклланган геозкологик билимлар даражасини аниқлаш (ўқувчиларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларини иноватга олган ҳолда геозкологик билимлар мазмунини янада бойитиш);

- ўқувчиларда шаклланган геозкологик билимларни умумлаштириш (дастлабки умумлаштириш, таққослаш, қиёслаш ва далиллаш асосида мавжуд геозкологик тушунчалар моҳиятини аниқлаш);

- ўқувчилар эгаллаган геозкологик билимларни янада ривожлантириш (ўқувчилар томонидан ижодий изланиш, мустақил ўқиб-ўрганиш, тадқиқотлар олиб бориш асосида янги геозкологик билимларнинг ўзлаштирилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, мавжуд геозкологик билимларни мазмунан бойитиш);

- ўқувчиларнинг мавжуд геозкологик билим, қўникма ва малакалари даражасини таҳлил қилиш орқали амалий география таълими сифати ва самарадорлиги ҳақида хулосалар чиқариш.

Касб-хунар коллежларида экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилишга оид ўқув фанлари умумқасбий интегратив курс сифатида мазмунан эгалланаётган касб (мутахассислик) ва фанлараро нуктаи назардан ўрганилади (1-расм).



1-расм. Экология фанини фанлараро алоқадорликда ўрганиш модели

Тадқиқот натижалари географик мазмундаги экологик тушунчаларни уларнинг дидактик моҳиятига таянган ҳолда қўйидагича гуруҳлаш мумкинлигини кўрсатди:

– табиат, атроф-муҳит муҳофазасига оид талаблар асосида инсон фаолияти натижасида ўзгарадиган табиат компонентларининг алоҳидалиги ва бирлигига оид тушунчалар;

– табиий заҳиралар (ер ости ва ер усти бойликлари) миқдори ва сифати, уларга бўлган ижтимоий-иқтисодий талаб, табиат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларига оид тушунчалар;

– табиат, атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этишнинг устувор йўналишлари, бу борада амалга оширилиши зарур бўлган асосий вазифалар ҳамда воситаларга оид тушунчалар.


Биз тадқиқот мобайнида экологик таълимнинг қўйидаги устувор тамойилларига асосланиб иш олиб бордик (2-расм).



2-расм. Экологик таълимнинг устувор тамойиллари

Тадқиқот жараёнида экопедагог олимлар Э.Турдиқулов, Ш.Авазов, В.Сатторов, И.Исмаев ва бошқаларнинг экологик маданият ва унинг таркибий тузилмаси борасидаги қарашларини назарий ва методологик асос сифатида қабул қилган ҳолда ўзига хос ёндашувни амалга оширишга уриндик. Хусусан, ишда замонавий психологик-педагогик таълимотлар ва тадқиқотларга таянилган ҳолда касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида амалий география таълими жараёнида экологик билим, кўникма ва малакаларни таркиб топтириш орқали уларда экологик маданиятни шакллантиришнинг назарий модели ишлаб чиқилди, унинг тузилиши турли жиҳатдан асослаб берилди (3-расм). Жумладан, ўқувчиларда экологик маданиятни шакллантириш жараёни бир-бирини тақозо қилувчи, бир-бири билан узвий боғланган беш босқичдан иборат эканлиги аниқланди.

Шунингдек, ўқувчиларда экологик маданиятнинг шаклланганлик даражаси ва ўқитувчиларнинг бу борадаги лаёқатини аниқлаш мақсадида улар билан суҳбат, мунозара, тестлар ўтказилиб, дарслар ва дарсдан ташқари фаолият турлари тадқиқот предмети нуқтаи назаридан кузатиб борилди.



3-расм. Амалий география таълими жараёнида ўқувчиларда экологик маданиятни шакллантиришнинг назарий модели

Маълум бўлдики, “Амалий география” дастури, дарслиги ва мавжуд методик тавсияларнинг геоэкологик мазмуни ва машғулотлар дидактикаси ўқувчи шахсини таркиб топтиришга тўлиқ йўналтирилган эмас. Аксарият ўқувчилар геоэкологик тушунчалар моҳиятини заиф биладилар, асосий ва ёрдамчи тушунчаларнинг фарқига бормайдилар, экологик билимларнинг аҳамиятини тушунтира олмайдилар, ҳатто атроф-муҳит билан муносабатнинг оддий ахлоқий-экологик қондаларини деярлик билмайдилар. Атиги 20-25 % ўқувчи шахсида экологик маданиятнинг айрим таркибий қисмлари бетартиб шаклланган, холос. Буларнинг барчаси ўқувчилар шахсида геоэкологик масъуллик фазилатининг етарлича шаклланмаганлигидан далолат беради.

География фани ўқитувчилари билан ўтказилган сўровлардан маълум бўлдики, иштирокчи ўқитувчиларнинг аксарияти амалий география дарслари ўқувчиларнинг геоэкологик билимлари, тафаккури ва фаоллигини ошириш воситаси эканлигини тўлиқ тасаввур қила олмайдилар, атиги 35-40 фоизи

дарсларда ўқувчилар экологик маданиятини шакллантиришнинг турли жиҳатлари, йўналишлари бўйича ишлашни уқтирдилар. Ўқитувчиларнинг 60-65 фоизи ўқувчи шахсида экологик маданиятни шакллантириш методикасини билмаслигини, бу фазилатни шакллантириш боскичларини ажрата олмаслигини тан олдилар. Демак, касб-ҳунар коллежлари амалиётда амалий география фани мисолида ўқувчилар экологик маданиятини шакллантириш жараёни муайян тизимга солинмаган.

Ишнинг иккинчи боби «Амалий география таълими жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчиларида экологик маданиятни шакллантиришнинг илмий-амалий асослари»га бағишланган. Унда амалий география билан табиий фанлар ўртасидаги алоқадорлик асосида, шунингдек, дарс ва дарсдан ташқари вақтларда касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг экологик маданиятини шакллантириш имкониятлари ва йўллари ёритилган.

Тажриба-синов ишларининг дастлабки боскичида «Амалий география» фани мазмунини ёритувчи кўшимча ўқув манбалари билан танишиш ва уларни мазмунан таҳлил этиб, материалларни танлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бунда ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари эътиборга олиниб, умумий ўрта таълим мактабида эғалланган геозкологик билимлар захирасига таянилди. Нағижда, касб-хунар коллежлари ўқувчилари мазкур ўқув фани мазмунидаги «Ўзбекистонда географик-экологик экспедиция ўтказиш», «Йирик экологик муаммолар ва уларнинг ечими», «Худудий экологик муаммолар ва уларнинг ечими» каби мавзуларни ўрганишда «глобал исиш», «озон туйнуғи», «чўллашиш», Орол ва Оролбўйи минтақасидаги экологик ҳолат тўғрисида аниқ илмий маълумотлар олиш имкониятига эга бўлдилар.

Тадқиқот натижасида касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг амалий география таълимида куйидаги геозкологик билимларни ўзлаштиришлари мақсадга мувофиқлиги аниқланди: табиат; табиат (атроф-муҳит) ва инсон (шахс, жамият); демография ва атроф-муҳит; экологик омиллар ва уларнинг турлари ва ўзаро алоқадорлиги; табиий мувозанат бузилишининг оқибатлари; табиий захиралар ва уларнинг турлари, чекланганлиги; табиий бойликлардан фойдаланишнинг асосий йўллари; атроф-муҳит ифлосланишининг асосий манбалари; атроф-муҳитни ҳимоя қилиш воситалари ва йўллари; энергия ва энергия манбалари ва қаҳатчилиги; ёпик ва чикиндисиз технологиялар; биосферанинг софлиги; ноосфера моҳияти; Ер сайёрасида цивилизациянинг давом этиши.

Амалий география фани ўқувчиларда геозкологик билимларни бевосита амалий фаолиятда (кўриш, синаб кўриш, танишиш, таҳлил этиш ва ҳоказо) шакллантириш имкониятларига эга. Тажрибавий таълим жараёнида куйидаги: 1) геозкологик таҳлил; 2) геозкологик синтез; 3) геозкологик таққослаш; 4) геозкологик тушунчаларни мавҳумлаштириш; 5) геозкологик тушунчаларни умумлаштириш каби методлардан фойдаланган ҳолда

«Музёра», «Ақлий ҳужум», «Роли-поли», «Бумеранг», «Экофенологик кузатиш» каби илғор педагогик технологиялар орқали ўқувчиларнинг таълимий фаоллиги оширилиб, уларни кичик тадқиқотларни амалга оширишга ундашга алоҳида эътибор қаратилди.

Тажриба-синов ишларини олиб бориш жараёнида геоэкологик билимларни самарали ўзлаштиришга имкон берувчи қуйидаги методларнинг дидактик имкониятлари илмий-амалий жиҳатдан ўрганилди: 1) геоэкологик таянч матнлар тузиш ва уларни таҳлил қилиш; 2) геоэкологик лугат тузиш; 3) геоэкологик мазмундаги жадваллар ва расмлар билан ишлаш. Шунингдек, фанлараро алоқадорлик ва бирлик тамойилига амал қилиниб, биология, кимё, физика ва математика фанларининг геоэкологик билимларни тарғиб этишдаги имкониятлари синовдан ўтказилди.

Тажриба жараёнида амалий педагогик фаолиятнинг қуйидаги ташкилий шакллари синовдан ўтказилди: геоэкологик амалий машғулот; геоэкологик кичик тадқиқот иши; геоэкологик тўғарак; геоэкологик клуб, геофенологик кузатиш; «Атроф-муҳитга ижтимоий таъсирнинг геоэкологик оқибати» кўрик танлови; геоэкология муаммоларига бағишланган ўқувчилар анжуманлари; геоэкологик ўйинлар («Товуш чиқармасдан топиш», «Топографик картадан топиш», «Геоэкологик лугат», «Масъулиятсиз назоратчи» ва ҳ.к.), «Яшиллар клуби», «Ёш экологлар клуби» ва уларнинг ўқувчилар экологик маданиятини шакллантиришда муҳим ўрин тутиши аниқланди.

Диссертациянинг учинчи боби «Амалий география таълими жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчиларида экологик маданиятни шакллантиришга доир тажриба-синов ишларининг механизми ва самарадорлик даражаси» деб номланади. Унда асосий эътибор касб-хунар коллежлари ўқувчиларида экологик маданиятни шакллантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларини ташкил этиш, ўтказиш, олинган натижалар таҳлили ва уларнинг самарадорлиги моҳиятини очиб беришга қаратилган.

Тажриба-синов ишлари Самарқанд тиббиёт коллежи, Жиззах педагогика коллежи, Қибрай қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи, Бекобод техника-иктисодиёт касб-хунар коллежи, Чирчиқ техника касб-хунар коллежи ҳамда Ўрта Чирчиқ қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида олиб борилди. Тадқиқот натижаларини таҳлил қилишда қулайликка эга бўлиш мақсадида тажриба майдонларининг ҳар биридан 75 нафардан, жами 450 нафар ўқувчи синов ишларига жалб қилинди ва қўйилган мақсадларга мувофиқ анкета сўрови, суҳбат, интервью, тест ва математик-статистик таҳлил методларидан фойдаланилиб борилди.

Тажрибавий таълим жараёнида фанлараро алоқадорлик негизида касб-хунар коллежлари ўқувчиларида экологик маданиятнинг шаклланганлик даражасини аниқлаш имконини берувчи қуйидаги мезонлар ишлаб чиқилди:

- 1) илмий геоэкологик билимларнинг ўзлаштирилиши;
- 2) илмий геоэкологик тафаккур - интеллектуал геоэкологик кўникма ва

малакаларнинг таркиб топиши;

3) ижтимоий геоэкологик фаоллик - амалий геоэкологик кўникма ва малакаларнинг таркиб топиши;

4) ўз-ўзини ижтимоий геоэкологик баҳолаш ва назорат қилиш - геоэкологик хулқ-атвор меъёрлари ва қондаларининг шаклланиши.

Мазкур мезонлар бўйича ўқувчиларнинг экологик маданияти даражаси «юқори», «ўрта» ва «паст» кўрсаткичлар бўйича баҳоланди.


Таъкидловчи ва шакллантирувчи тажриба-синов ишларининг яқуни бўйича касб-хунар коллежлари ўқувчиларида экологик маданиятнинг шаклланганлик даражаси такрорий қиёсий таҳлил этилиб, тегишли миқдор ва сифат ўзгаришлари аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Касб-хунар коллежлари ўқувчиларида экологик маданият шаклланишининг миқдор ва сифат ўзгаришлари

№	Экологик маданиятнинг даража кўрсаткичлари	Тажриба гуруҳлари $n_1 = 228$		Назорат гуруҳлари $n_2 = 222$	
		Тажриба бошида	Тажриба охирида	Тажриба бошида	Тажриба охирида
1.	Юқори	30	96	34	39
2.	Ўрта	96	99	80	81
3.	Паст	102	33	108	102

Жадвалда келтирилган ҳар икки гуруҳ учун хос бўлган тажриба охиридаги натижалар 1-танланма (тажриба гуруҳлари учун) ва 2-танланма (назорат гуруҳлари учун) деб қабул қилинди ҳамда мазкур танланмаларнинг кўрсаткичлари асосида қуйидаги диаграмма ҳосил қилинди:



Тажриба-синов ишларининг самарадорлигини баҳолаш мақсадида математик-статистик таҳлил Стъюдент-Фишер методи асосида амалга оширилди.

$$t_{\alpha} \sqrt{\frac{S^2_{\tau}}{n_1} + \frac{S^2_{\eta}}{n_2}} < \bar{x} - \bar{y} < t_{\alpha} \sqrt{\frac{S^2_{\tau}}{n_1} + \frac{S^2_{\eta}}{n_2}}$$

Статистик таҳлил куйидаги кўрсаткичларнинг пайдо бўлишига имкон берди (2-жадвал):

2-жадвал.

Математик-статистик таҳлил натижалари

Математик мезонлар	Тажриба гуруҳларида	Назорат гуруҳларида
Ўртача қиймат: $\bar{X} = \frac{1}{m} \sum_{i=1}^{m-1} n_i x_i$; $\bar{Y} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n-1} n_i y_i$	4,3	3,7
Дисперсия: $D_m = \sum_{i=1}^{m-1} n_i (x_i - \bar{x})^2 / (m-1)$; $D_n = \sum_{i=1}^{n-1} n_i (y_i - \bar{y})^2 / (n-1)$	0,49	0,55
Ўртача квадрат четланиш: $\tau_m = \sqrt{0,49}$; $\tau_n = \sqrt{0,55}$	0,7	0,74
Вариация кўрсаткичлари: $\delta_m = \frac{\tau_m}{\bar{X}}$; $\delta_n = \frac{\tau_n}{\bar{Y}}$	0,16	0,20
Критик нукта: $\Phi(t_{kp}) = \frac{1-2\alpha}{2} = \frac{1-2 \cdot 0,05}{2} = \frac{0,9}{2} = 0,45$	1,67	1,67
Баҳолашнинг ишончли четланиши: $\Delta_m = t_{\gamma} \cdot \frac{D_m}{\sqrt{m}}$; $\Delta_n = t_{\gamma} \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}}$	0,58	0,31
Интерваллар: $\bar{X} - t_{\gamma} \cdot \frac{D_m}{\sqrt{m}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_{\gamma} \cdot \frac{D_m}{\sqrt{m}}$; $\bar{Y} - t_{\gamma} \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_{\gamma} \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}}$	4,25 ≤ a _x ≤ 4,35	3,63 ≤ a _y ≤ 3,77
Сифат кўрсаткичлари: $K_{\text{ноб}} = \frac{(\bar{X} - \Delta_m)}{(\bar{Y} + \Delta_n)}$; $K_{\text{обб}} = (\bar{X} - \Delta_m) - (\bar{Y} - \Delta_n)$		1,12 > 1 0,48 > 0

Олинган натижалар тажриба-синов ишлари самарадорлигини баҳолаш мезони 1 дан ва билиш даражасини баҳолаш мезони 0 дан катта эканлигидан далолат беради. Демак, тажрибавий гуруҳлар кўрсаткичлари назорат гуруҳлари кўрсаткичларидан сезиларли даражада юқори.

Шундай қилиб, тажриба-синов ишларининг натижалари ўқувчиларда экологик маданият фазилати даражасининг ошганлигини ифодаловчи якуний хулосанинг ҳаққонийлигини, қўйилган илмий фаразнинг тўғрилигини тасдиқлайди.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Табиат ва жамият ўртасидаги муносабатлар мазмунининг тобора мураккаблашуви ҳамда кескинлашуви инсон фаолиятининг табиатга, атроф-муҳитга кўрсатаётган таъсирининг алоҳида аҳамият касб этишидан далолат беради. Шу боисдан, касб-хунар коллежлари ўқувчилари шахсида экологик маданиятни шакллантириш давр талаби сифатида кун тартибига кўйилмоқда.

Шу мақсад йўлида амалга оширилган илмий-тадқиқот натижаларини таҳлил этиш орқали қуйидаги хулосаларга келдик.

1. Экологик маданият - шахс ва жамият умумий маданиятининг таркибий қисми саналади. Шахс экологик маданияти ўзида юксак даражадаги инсоний ва ахлоқий фазилатларни акс эттириб, табиатга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, турли даражадаги экотизимлар барқарорлигини таъминлаш, биогеоценозга кўрсатилаётган ҳар қандай салбий антропоген таъсиротларнинг олдини олиш, атроф-муҳитни келажак авлодлар учун соф ҳолда сақлаш каби миллий, минтакавий ва умумбашарий мақсадларни амалга оширишга имкон беради.

2. Табиат ва жамиятнинг экологик барқарор ривожланишини таъминлаш иши давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланганлиги, шахс ва жамият экологик маданиятини шакллантиришнинг назарий асослари ишлаб чиқилганлиги ҳамда касб-хунар коллежларида экологик таълим-тарбияни ташкил этишга ягона илмий-педагогик ёндашувнинг вужудга келганлиги, хусусан, амалий география таълимининг потенциал имкониятлари ўқувчилар шахсида экологик маданиятни шакллантириш ва бу борада муваффақиятга эришиш мумкинлигини кўрсатди.

3. Касб-хунар коллежлари тизимининг нисбатан янгилиги, мазкур таълим муассасаларидаги экологик таълим-тарбия мазмунининг мажмуавий, яхлит ҳолда ҳамда умумий таълим, умумий касбий ва махсус фанлар кесмида, жумладан, амалий география курси бўйича илмий-дидактик асосланмаганлиги ўқувчилар шахсида экологик маданиятни шакллантириш муаммосининг етарли даражада ўрганилмаслигига сабаб бўлган.

4. Миллий ва умуминсоний экологик кадриятлар моҳиятини касб-хунар коллежларидаги амалий география таълими жараёнида ўқувчилар онгига сингдириш, уларда ахлоқий-экологик кадриятларга нисбатан чуқур ҳурмат ва итоатни қарор топтириш шахс экологик маданиятини шакллантиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилди.

5. Касб-хунар коллежларидаги амалий география таълими жараёнида ўқувчиларда экологик маданиятни шакллантириш назарий модели ва унинг тузилиши, хусусан, ўқувчилар экологик маданиятнинг: геоэкологик фаолият мотивлари; илмий геоэкологик билимлар; интеллектуал геоэкологик кўникма ва малакалар; амалий геоэкологик кўникма ва малакалар; ўз-ўзини ижтимоий

геоэкологик баҳолаш ва назорат қилиш каби таркибий қисмлари ҳамда уларни оддийдан мураккабга томон босқичма-босқич шакллантириш механизми ишлаб чиқилди.

6. Касб-хунар коллежларидаги амалий география таълими жараёнида ўқувчиларда экологик маданиятни шакллантириш мезонлари яратилди ва унинг кўрсаткичлари аниқланди.

7. Амалий география таълими жараёнида ўқувчиларда экологик маданиятни шакллантиришнинг назарий модели тажрибавий касб-хунар коллежларида синовдан ўтказилиб, ўқувчиларда геоэкологик масъулликни тарбиялаш самарадорлиги олинган натижалар орқали ўз тасдиғини топди.

8. Ўқувчиларда экологик маданиятни шакллантириш мазмуни, методлари, ташкилий шакллари, воситалари, яъни самарали педагогик технологиялари амалий география таълими мисолида илмий-амалий жиҳатдан асослаб берилди. Хусусан, педагогик кузатиш, ўқувчилар ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олиш, ўқувчилар ва ота-оналар ўртасида суҳбат, анкета сўровномаларини ўтказиш; маъруза, семинар, амалий машгулотлар, экскурсия, геофенологик кузатиш, геоэкологик вазиятларни яратиш, ролли ўйинларни ташкил этиш; интернет, компьютер ва ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш; ўқувчилар билан яқка тартибда ишлаш (реферат ёзиш, савол-жавоб) имкониятлари очиқ берилди.

9. Касб-хунар коллежларида шахснинг мустақиллиги, онгли ва фаол фаолиятига таяниб ташкил этиладиган шахсга йўналтирилган таълим технологиялари ўқувчиларда экологик маданиятни шакллантиришда аънавий дарсларга нисбатан юқори даражада самара бериши аниқланди.

ТАВСИЯЛАР

Педагогик тажриба натижаларига таянган ҳолда амалий география таълими жараёнида касб-хунар коллежи ўқувчиларининг экологик маданиятини шакллантириш юзасидан қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Касб-хунар коллежларидаги амалий география таълими жараёнида ўқувчиларда экологик маданиятни шакллантириш тизимининг илмий асосланган моделини барча касб-хунар коллежлари амалиётига татбиқ этиш.

2. Касб-хунар коллежларидаги амалий география таълими жараёнида ўқувчиларда экологик маданиятни шакллантириш тизимининг моделига асосланган ҳолда умумий таълим фанлари, умумий касбий фанлар ва махсус фанларни ўз ичига олган интеграцияланган ягона тизим ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

3. Давлат таълим стандартларида интеграцияланган ягона тизим асосида касб-хунар коллежлари ўқувчиларида экологик маданиятни шакллантиришга қўйилган талабларни назарда тутиш, мазкур йўналишда ўқув-методик мажмуа яратиш ва амалга татбиқ этиш.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Жуманова Ф. Коллеж талабаларида узлуксиз экологик маданиятни шакллантириш // Узлуксиз таълим жараёнини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент: ЎзПФТИ, 2004. – Б. 156.
2. Жуманова Ф. Назарий дарсларда коллеж талабаларининг экологик маданиятини шакллантириш // Ёш истикболли педагог ва илмий кадрларнинг касбий маҳоратини ошириш муаммолари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент: ЎзПФТИ, 2004. – Б. 156-158.
3. Жуманова Ф., Нурматова Н. Узлуксиз экологик тарбиянинг замонавий муаммолари // Ёш авлоднинг экологик маданиятини тарбиялаш муаммолари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: ЎзПФТИ, 2004. – Б. 59-60.
4. Жуманова Ф. Таълим жараёнида табиий ва экологик фанлар уйғунлигини таъминлаш // Uzluksiz ta'lim. –Тошкент, 2005, - №4. –Б. 80-84.
5. Жуманова Ф. Космик суратлар – экологик тушунча. маданиятни шакллантириш воситаси // Халқ таълими. –Тошкент, 2006, - №2. – Б. 128-130.
6. Жуманова Ф. География дарсларида экологик таълим-тарбия масалалари // Умумий ўрта таълим тизимини ривожлантириш истикболлари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент: ЎзПФТИ, 2006. –Б. 287-290.

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Жуманова Фотима Ураловнанинг 13.00.01–Педагогика назарияси ва тарихи ихтисослиги бўйича «Касб-хунар коллежлари ўқувчиларида экологик маданиятни шакллантириш (география таълими мисолида)» мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: географик экология, геозкологик билим, геозкологик кўникма ва малакалар, ўз-ўзини геозкологик баҳолаш ва назорат қилиш, геозкологик фаолият, экологик таълим, экологик тарбия, экологик маданиятни шакллантириш, фанлараро алоқадорлик, педагогик технология.

Тадқиқот объекти: касб-хунар коллежларидаги амалий география таълими жараёни.

Тадқиқотнинг мақсади: касб-хунар коллежлари ўқувчиларида амалий география таълими жараёнида экологик маданиятни шакллантириш тизимини назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш ва уни тажриба-синовидан ўтказиш асосида ўқитувчилар учун илмий-педагогик тавсиялар тайёрлаш.

Тадқиқот методлари: адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш; педагогик кузатиш; илгор иш тажрибани ўрганиш; педагогик тажриба-синов ишлари; тестлар, интервью, суҳбат, сўров, хужжатларни ўрганиш; педагогик вазиятлар яратиш; киёсий таҳлил; математик-статистика.

Олинган натижалар ва уларнинг янгиллиги: амалий география таълими жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчиларида экологик маданиятни шакллантириш педагогик йўналишда махсус тадқиқ этилиб, унинг назарий модели, мезонлари ва самарадорлигини таъминловчи илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Амалий аҳамияти: тадқиқот гоёлари педагогика фанлари мазмунини бойитиб, касб-хунар коллежлари ўқувчиларида экологик маданиятни шакллантиришга хизмат қилади, ўқитувчиларни эса илмий асосланган усуллар мажмуи билан таъминлайди. Шунингдек, экологик мазмундаги маънавий-маърифий ишларни йўлга қўйишда, амалий тренингларда, илмий рисолалар, электрон воситалар яратишда, педагог ходимлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқотнинг асосий натижалари «Uzluksiz ta'lim» ва «Халқ таълими» каби журналлар ҳамда анжуман тўпламларида чоп этиш орқали касб-хунар коллежлари амалиётига татбиқ этилган.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим ва педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасалари.

РЕЗЮМЕ

диссертации Жумановой Фотимы Уроловны на тему: «**Формирование экологической культуры учащихся профессиональных колледжей (на примере обучения географии)**» на соискание ученой степени кандидата педагогических наук по специальности 13.00.01 – История и теория педагогики.

Ключевые слова: географическая экология, геоэкологические знания, геоэкологические умения и навыки, самостоятельная геоэкологическая оценка и контроль, геоэкологическая деятельность, экологическое образование, экологическое воспитание, формирование экологической культуры, межпредметные связи, педагогическая технология.

Объект исследования: процесс обучения практической географии в профессиональных колледжах.

Цель исследования: разработка теоретических аспектов системы формирования экологической культуры учащихся профессиональных колледжей в процессе обучения практической географии, её экспериментальная проверка, подготовка на этой основе научно-педагогических рекомендаций.

Методы исследования: изучение и анализ литературы, педагогическое наблюдение, изучение передового опыта работы, педагогический эксперимент, тестирование, интервью, беседа, изучение документов, создание педагогической обстановки, сравнительный анализ, математическая статистика.

Полученные результаты и их новизна: проведено специальное педагогическое исследование проблемы формирования экологической культуры учащихся профессиональных колледжей в процессе обучения практической географии, разработаны теоретическая модель, критерии и научно-практические рекомендации по обеспечению эффективности данной системы.

Практическая значимость исследования: идеи исследования, обогатив содержание педагогической науки, способствуют формированию экологической культуры учащихся профессиональных колледжей, вооружают учителя научно обоснованной методикой. Они могут быть использованы при проведении духовно-просветительской работы экологического содержания, практических тренингов, в создании научных пособий, электронных средств, при переподготовке и повышении квалификации педагогических кадров.

Степень внедрения и экономическая эффективность: основные результаты исследования внедрены в практику профессиональных колледжей путем опубликования их в журналах «Узлуксиз таълим» и «Халк таълими». в материалах сборников конференций.

Область применения: учреждения среднего специального профессионального образования, высшего образования, переподготовки и повышения квалификации педагогических кадров.

RESUME

Thesis of **Jumanova Fotima Uralovna** on the scientific degree competition of the doctor of philosophy in pedagogics on specialty 13.00.01 - The theory and history of pedagogy: **“Formation of ecologic culture of vocational-professional colleges’ pupils (as an example of geographic education)”**

Key words: geographic ecology, geo-ecologic knowledge, geo-ecologic habits and skills, geo-ecologic self-marking and observation, geo-ecologic activity, ecologic education, to form ecologic culture, inter-discipline connection, pedagogic technology.

Subjects of the inquiry: the process of practical geography education at the vocational-professional colleges.

Aim of the inquiry: to work out theoretically the system of formation of pupils ecologic culture in the process of practical geographic education at the vocational-professional colleges and on the basis of experimental processing to prepare scientific-pedagogic recommendations for teachers.

Methods of inquiry: to study specialized literature and analyze them; pedagogic observation; to study advanced work experiences; pedagogic experimental works; tests, interview, conversation, questionnaire, to study documents; to create pedagogic conditions; comparative analysis; mathematic-statistics.

The results achieved and their novelty: the problem of forming of ecologic culture of vocational-professional colleges’ pupils in the process practical geographic education in pedagogic direction are investigated specially; its content, forms and means are defined; scientific-methodic recommendations assisting effectiveness are worked out.

Practical value: the investigation thoughts serves to enrich pedagogic studies content, the formation of ecologic culture of vocational-professional colleges’ pupils, it supplies teachers with the complex of scientific founded methods. Also, to direct into practice the ecological content of spiritual-enlightening works, it can be used in practical trainings, scientific monographs, in creation of electronic aids, to improve and re-prepare of the pedagogic specialists qualification.

Degree of embed and economic effectivity: the investigation results are published in “Uzluksiz ta’lim” and “Xalq ta’limi” journals, and in conferences collection, and they applied into vocational-professional colleges’ practice.

Sphere of usage: secondary special education, vocational-professional education, higher education and the systems of pedagogic specialists’ re-preparation and qualification improvement.

Босишга рухсат этилди: 12.07.2010. Ҳисоб наприёт табоғи: 1,5.
Шартли босма табоғи: 1,5. Бичими: 84x60 ¹/₁₆. Адади: 100. Букортма № 17.

МChJ «FAN VA TA'LIM POLIGRAF» босмахонасида чоп этилди.
100170, Топкент шаҳри, М. Гаробий кўчаси 31 уй.